Ушбу сонда:
2 ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАСИ
3 ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА
4 11 АВГУСТ... МИШ-МИШ ВА «ҲАҚИҚАТ»ЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 11 август, чоршанба № 110 (757)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА МАКТУБ

Жаҳон ҳамжамияти Тошкент декларациясида ўз аксини топган келишувларни афғон муаммоси ечимининг асоси деб ҳисоблаган ҳолда, «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви натижаларига катта эътибор бериб келмоқда.

Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президентига АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси Карл Индерфурснинг қуйидаги мактуби ҳам келди:

«Биз илгари одимлаш учун учрашув берган бирор имкониятни қўлдан чиқармаслигимиз керак. Биз ўтган ҳафта эришилган ютуқлардан самарали фойдаланиш йўлларини изламоқдамиз.

Шу муносабат билан таъкидламоқчиманки, Сиз билан ҳамкорликда ишлаганимдан ғоят мамнунман. Биз яқин иттифоқчиларимиз билан бир хилда қабул қиладиган масала юзасидан оддий, норасмий муносабат ўрнатдик. Бу бизнинг Афғонистон масаласи бўйича саъй-ҳаракатларимизга ёрдам берди. Сизни шундан ҳам бохабар қилишни истардимки, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз Вашингтонда катта ижобий баҳога сазовор бўлди.

Алоҳида учрашувимиз чоғида Сиз билан очиқ, рўйи-рост ва жиддий тарзда фикр алмашиш имконияти насиб этганидан беҳад мамнун бўлдим».

(ЎзА)

Дил рози

ҚАДДИМИЗНИ ҒОЗ ТУТИБ

Ўз юртингда бошингни эгиб, қимтиниб яшаш азоб. Бу ўзига хос фожеа ҳамдир. Кўргулик экан, йиллар мобайнида мустамлакачилик жафосини чекдик. Ином-ихтиёримиз ўзимизда эмасди. Ҳамма нарса «юқори»нинг кўрсатмаси, режаси асосида амалга оширилади. Охир-оқибат роботсифат кимсаларга айланаёздик. Аммо, тарихдан маълумки, зўрлик, алдам-қалдам асосига қурилган ҳар қандай тузум узоқ яшамайди. Собиқ иттифоқнинг емирилиши ҳам кутилган ҳол эди. Ахир истибдоднинг ҳам чеки бор-ку, ахир.

Мустақилликнинг аҳамиятини, бизга берган имтиёзу имкониятларини сўз билан таърифлаш қийин. Бироқ, 16 феврал воқеалари мустақилликни ҳар он ҳушёр туриб ҳимоя қилиш зарурлигини бизга тушунтириб қўйди. Мустақил Ўзбекистоннинг дўстлари кўп. Бироқ, кўпорувчилик ҳаракатларини содир этган, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига сабабчи бўлганлар орасида ўзимиздан чиққан сотқинлар, ватанфурушлар борлиги қалбларни ўртайди. Ҳар ҳолда мулла бўлдик, кўзимиз очилди. Ён-атрофга, воқеа-ҳодисаларга, маҳаллаларимизда пайдо бўлган ёт кишиларга синчков назар ташлайдиган бўлдик. 16 феврал воқеалари қайта такрорланмаслиги учун эндиликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилаётганлигимиз айни муддао.

Муҳим вазифаларимиздан бири ёшларни ўзимиз ватанпарвар, шу юртнинг ҳақиқий эгалари этиб тарбиялаш, уларни қора кучлар ва айниқса, «Ҳизбут-ттаҳрир» оқими таъсиридан ҳимоя қилишдир. Қувончлиси шуки, муҳтарам Президентимиз ёшларимиз ҳақида беқиёс меҳрибонлик қилмоқдалар. Улар энг яхши мутахассислар бўлиб етишишлари учун катта имконият яратилган. Шу мақсад йўлида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши қизғин олиб борилмоқда. Масалан, Бухоро шаҳри ва вилоятида бешта жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган ана шундай ўқув масканлари яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Наманган вилоятида эса еттита касб-ҳунар ҳамда ўқув юртлари тўла таъмирланиб ишга туширилади. Айни кунларда 7-сон қишлоқ хўжалик коллежи, тиббиёт коллежи, Чустда эса қурилиш коллежи янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Демак, ёшларимиз ҳаётига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди.

Михаил ПЕТРОСЯН,
Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси ўринбосари.

Гулистондаги янги муҳташам томошагоҳда бўлиб ўтган вилоят ёшлари форуми мамлакатимизнинг келажагига ишонч, истиқлол берган буюк неъматларга садоқат руҳида ўтди. «Биз Президентимиз фарзандларимиз» шиори остида ўтган бу анжуманда «Элим деб, юртим деб, Президентим деб ёниб яшайлик» деган сўзлар такрор-такрор

УЛУҒ ҒОЯЛАРГА СОДИҚЛИК

жаранглаб турди. Форумда юртим деган одам элини, элим деган одам истиқлол ғояларининг илҳомчиси ва халқимизни буюк келажак сари дадил бошлаб бораётган Йўлбошчимиз ташаббускори бўлган ишлар ва ғояларнинг давомчиси сифатида улуғвор бунёдкорлик сафларига қўшилиш ўзбекистонлик ҳар бир ёшлар учун юксак бурч ва фахр эканлиги таъкидланди.

Ёшлар анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

Кеча ва бугун

ОЗОДЛИКНИНГ НОНИ ШИРИН

Ҳар сафар Мустақиллик байрами арафасида «кеча ким эдиг-у бугун киммиз?» деган савол кўнглимдан ўтаверади. Шунда жамоа хўжалигимиз, унинг меҳнатсевар аъзолари турмуш тарзи, ҳалол юмушлари эвазига бериладиган ҳақ, чорвадорларнинг ночор шароитлари кўз ўнгимда гавдаланади. «Шулар ҳақида гапириш шартми, ахир у кунлар ўтмишга айланганку» дегувчилар топилиши мумкин. Лекин, халқимизда ўтмишсиз келажак йўқ, деган ибора бежизга айтилмаган. Шўролар даврида асосий бошқарув тизими фирқа қўлида эди. Касаба уюшмаси бирон тадбирни мустақил ҳал қилолмасди, хўжалик раҳбари фирқа қўмитаси котиби чизган чизиқдан ташқарига чиқолмасди. Шахсий манфаатдорлик бўлмагани учун деҳқонлар жон қойитиб ишламасди. Чунки фаол ишлаган билан йўлига қимирлаб турган киши ҳам бир хил маош оларди. Чорвачилик кўп жойларда даромадли соҳага айланмаган. Давлатга сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топширишда қўшиб ёзишлар авжига чиққанди. «Социалистик мусобақа» деб аталмиш тадбир кўп ҳолларда хўжа кўрсинга ўтказилар, «ура-ура»чилик қизғин тус олганди. Деҳқонларимиз хусусий мулк эгаси бўлишни тушида ҳам кўрмасди. .

Энди-чи? Энди, Аллоҳга беҳисоб шукурки озодмиз. Истиқлол бизга асрий орзуларимизнинг ушалишига имкон яратди. Деҳқон ўз ерининг хўжайини бўлди. Ислоҳотлар даврида хўжалигимиз номи Ғ.Абдуллаев номли ширкат хўжалиги деб ўзгартирилди. Уюшма аъзолари пудрат усулида ишлаб, барча жабҳаларда сезиларли силжишларга эришмоқдалар. Энг муҳими, улар етиштирган маҳсулотларнинг қанчаси ўзларига тегишини яхши билишади. Шахсий манфаатдорлик бўлган жойда эса албатта ютуқлар қўлга киритилиши табиий. Ўтган йили деҳқончиликдан 20 миллион, чорвачиликдан эса 4 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди. Унинг муайян қисми меҳнатчиларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришга сарфланмоқда. Муҳташам маданият саройи, иккита 350 ўринли замонавий болалар боғчаси, салобатли музлатгичлар мавжуд. Боғчада тарбияланувчиларга сут, сабзавот, ҳўл мева бепул берилаётир. Қайта ишлаш корхонаси ишчи-хизматчилари эса бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Янги қурилиш қилганлар учун 5 километрдан ортиқ газ қувури тортилди ва шу билан хўжалик ҳудудидаги хонадонларнинг 99 фоизи газлаштирилди. Кўчалар асфальтланди, ичимлик сув қувурлари ётқизилди. Қишлоққа кўрк бағишлаб турган чойхона, чорвадорларга мўлжаллаб қурилган коттежлар кўзни қувонтиради. 60 нафар меҳнат ва уруш фахрийлари хўжалик маблағи ҳисобидан Шоҳимардон, Хива, Қашқадарё вилоятига саёҳат қилиб қайтишди. Уларга газ, электрдан фойдаланишда 50 фоизлик имтиёз берилган.

Ҳасанбой қишлоғидаги болалар оромгоҳида уюшма аъзолари фарзандларининг мавсумий дам олишлари анъанага айланган. 8 нафар талабанинг олий ўқув юртларида таҳсил олиш сарф-ҳаражатлари хўжалик ҳисобидан қопланмоқда.Педиатрия институти билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнаткашлар тиббий кўрикдан ўтиб турадилар, зарурат туғилса даволанишади. Моддий кўмакка муҳтожлар муҳофаза қилинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик берган инъом ва имконлардир. Ҳа, озодликнинг нони ширин, унинг қадрига етиб, эъзозламоқ даркор.

Аҳмаджон САИДОВ,
Тошкент туманидаги Ғ.Абдуллаев номли ширкат хўжалиги касабақўми раиси.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИККА ЭТТИБОР

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Зангиота» хўжалигида «Хотин-қизларнинг демократик жамиятдаги ҳуқуқлари ва ўрни» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорликда ташкил этган мазкур анжуманда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, таълим муассасалари, «Маҳалла», «Камолот», «Наврўз» жамғармалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди. Аёллар йили муносабати билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу йўналишдаги саъйи ҳаракатларни янада кучайтириш, айниқса, оила ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларга таълим-тарбия беришни такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур.

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУИДА

Марказий Осиёда ягона ҳисобланмиш - улкан «Шўртангазкимё» мажмуида бунёдкорлик ишлари қизигандан қизимоқда. Шўртан гази таркибидан саноат учун қимматбаҳо хом ашё - полиэтилен ажратиб олишга мўлжалланган бу мажмуа қурилишида минглаб қурувчилар энг замонавий техникалар ёрдамида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришяпти.

Мажмуа қурилиши билан бир қаторда ишчи-мутахассисларга мўлжалланган шаҳарчани бунёд этиш ишлари ҳам жадаллашаётир. Ҳозирнинг ўзида коттежлар, мактаб, болалар боғчаси, меҳмонхона, шифохоналар қуриб битказилди.

Суратларда: 1. Қашқадарё деҳқончилик-қурилиш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қурувчиларининг сардори Қувондиқ Алишеров.

2. Тажрибали ғишт терувчи Икром Сатторов.

3. Меҳнат самараси.

4. Янги замонавий шаҳарчанинг умумий кўриниши.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.



ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Истиқлол ва аёл» мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда истиқлол йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг оилада бола тарбияси ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шароит яратиб берилганлигини таъкидладилар.

Алпомиш достони юбилейи олдидан

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарори халқ оғзаки ижодини ўрганиш, унинг намуналарини нашр этишда катта имконият яратди. Айни кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб ушбу тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Барча вилоятларда, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва маданият масканларида юбилейолди тадбирлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳам ушбу санага бағишланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Шу йилнинг октябрь ойида ўтказиладиган халқаро конференция уларнинг энг нуфузлиси бўлади. Анжуманда Япония, Германия, Туркия, Эрон, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби мамлакатлардан адабиётшунос олимлар, мутахассислар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Қутлуғ санага бағишлаб китоблар нашр этиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Адабиётшунос олимларимиз юз йилдлик «Ўзбек фольклори ёдгорликлари»ни яратиш борасида иш олиб бормоқда. «Алпомиш»нинг давоми «Ёдгор» достони нашрга тайёрланиб, «Ёзувчи» нашриётига топширилди. «Чўлпон» нашриёти эса рус тилида «Эпос об Алпамыше» номли китобни чиқаришни режалаштирмоқда.

Элмурод ЮНУСОВ. /ЎзА/.

ИНСОН КОМИЛЛИККА ИНТИЛАДИ

Инсон ҳамиша эзгуликка, комилликка интилиб яшайди. Унинг энг буюк орзуси — ўзи ва фарзандлари учун бахтли ҳаётни таъминлаш. Ҳам моддий, ҳам руҳий, ҳам маънавий тўкис инсонгина бахтли, баркамолдир. Аммо бу мақсад ўз-ўзидан, осонликча рўёбга чиқмайди. Бунинг учун муайян шароит, муҳит таъминланиши керак. Ҳозир Ўзбекистонда чинакам фуқаролик жамияти барпо этиш учун, яъни халқимизнинг орзу-умидлари ва интилишларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ана шундай шарт-шароит яратиш борасида кенг миқёсли фаолият олиб борилмоқда.

Чинакам инсоний ҳаёт учун энг аввало тинчлик керак. Ҳар бир истеъдод ва ҳунарнинг, қобилият ва имкониятнинг юзага чиқиши, камоли учун осуда турмуш тарзи керак. Ваҳима, низо ва жанжаллардан, даҳшату қўрқувлардан тамоман холи бўлган замин ва замон керак. Ҳазрат Навоий: «Барча лаззатни тотдим, офиятдан чучукроқ лаззат топмадим», деган эдилар. Офият — тинчлик, осудалик, омонлик, саломатлик демакдир. Атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг қуйидаги мисралари ҳам улуғвор ишларни рўёбга чиқариш учун тинчлик зарурлигини тасдиқлайди:

Ҳар тонгнинг лирикаси,
ҳар нарсанинг ўз файзи,
Ҳар куннинг қайд этарлик
мазмуни, тарихи бор.
Бу куннинг лирикаси,
файзи, мазмун, тарихи
Ер юзида тинчликнинг
қудрати-ла барқарор.

Инсонпарварлик қоидаларига асосланган фуқаролик жамияти барпо этиш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу жамиятда фуқароларнинг миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла таъминланади. Халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлади. Мамлакатимизда мана, истиқлолнинг саккиз йилидирки, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқда. Бу сиёсатни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдир.

Дарҳақиқат, тинчлик ва барқарорлик масалалари истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлат сиёсатининг марказида бўлди. «Халқимиз тинчлик ва фаровонлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамоқда, — дейди Йўлбошчимиз. — Биз унинг иродасини бажариш учун бутун борлиғимизни бахш этсак арзийди». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасидаёқ фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш мақсади алоҳида қайд этилган. Зеро, Ватан мустақиллиги, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётни тинчликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳон сиёсатчилари Ўзбекистондаги вазиятга баҳо берар эканлар, республикадаги тинчлик ва осойишталикнинг бош меъмори Ислом Каримовнинг хизматини алоҳида қайд этадилар. Унинг шахсий сифатлари, халқ берган ваколатга садоқат ва масъулият билан қараши, ўз ҳаётини халқнинг истиқболи, тинчлиги, осойишталиги, фаровонлигини таъминлашга бағишлаганлиги мазкур сиёсат муваффақиятининг гаровидир.

Мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши бевосита ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Ташқи омил деганда — биз Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатда фаол қатнашуви ва жаҳонда дўстлик ва тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларни тушунамиз. Мамлакатимиз Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 48 ва 50-сессияларида Афғонистондаги урушни тўхтатиш, Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасида тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш ҳақида қимматли таклифлар билан чиққанлигини ҳаммамиз яхши биламиз. «Бугунги кунда «Оловли нуқталар» деб аталаётган минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаши ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлларини белгилаб олиш мумкин», деган эдилар давлатимиз раҳбари бу анжуманда. Бундан ташқари, давлат раҳбарларининг турли даражадаги учрашувларида, халқаро анжуманларда Ўзбекистон ўз позициясини қатъий баён этмоқда. Бизнинг ташқи сиёсатдаги йўлимиз аниқ ва равшан — Ўзбекистон тинчлик-тотувлик, хавфсизлик, ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик, жаҳон мамлакатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорлик тамойилларига амал қилади.

(Давоми 3-бетда)

БИЗ ЎЗБЕКМИЗ, ҲУР ЎЗБЕКИСТОНМИЗ,

ЮРТГА СОДИҚ ЎҒЛОНМАН

Республикамиз истиқлолга эришгач, ҳур диёримиз жаҳонга юз тутди. Бугун ҳақли равишда «Биз ўзбекмиз, ўзбекистонликмиз» дея фахрлана оламиз.

Бирорта мамлакатда бизнинг республикамиз раҳбарияти каби ёшларга, уларнинг билими, иқтидорига эътибор берилмаса керак. Мамлакатимизнинг бугунги куни кечагидан, эртаси эса бугунидан янада порлоқ, фаровон бўлиши жисмонан бақувват, соф фикрли, ватанпарвар инсонларга боғлиқ, албатта. Шу боисдан ҳам билимли, қобилиятли ёшларга кенг йўл очиб берилаяпти.

Истиқлол шарофати билан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ташкил этилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олиб юрганимда «Умид» жамғармаси грантининг соҳиби бўлиш учун ҳаракат қилдим. Ниятим холис экан, орзуим ушалди. Хорижда ўқиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳозир Буюк Британиянинг Манчестер Университети менежерлик факультетининг II босқич толибиман. Биз таълим олаётган мамлакатда 80 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз турли олий ўқув юртларида билим олишяпти.

Тўғриси, ҳар лаҳзада она юртимизни соғиниб яшаймиз, эртага мустақил юртимизга керак эканлигимизни дилдан ҳис этиб имконият ва дақиқалардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Илғор мамлакатлар тажрибасини ўз юртимизда тадбиқ этиш, Ўзбекистонимизни ривожланган мамлакатлар сафига қўшиш асосий мақсадимиздир.

Бу йил ўзбекистонлик икки юзга яқин иқтидорли йигит-қиз хорижий мамлакатларда таҳсил олиш учун ҳозирлик кўришаётганини эшитиб қувончимизга қувонч қўшилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси грантларининг соҳибларига йўллаган табрикномасидаги ҳар бир жумла ёшларни билимли, эл-юрт учун фидойи бўлишга ундайди.

«Қаерда бўлсангиз ҳам, бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим: Сизнинг меҳнатингиз, эришаётган ютуқларингиз, эртанги ҳаётингиз халқларимизнинг, Ватанимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлади» дейилади жумладан табрикномада.

Ҳа, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ёшлар ҳур Ўзбекистонимизнинг бахтли кишиларидир.

Хорижда таҳсил олаётган биз ёшларнинг эзгу ниятимиз мустақил мамлакатимизга муносиб фарзанд бўлишдир.

Зафар КАРИМОВ,
Буюк Британиянинг Манчестер университети толиби.

Саккизга тўлибди Истиқлолимиз,
Порлар бошимизда бахт қуёшимиз.
Буюк келажакка бизни бошлаган -
Мангу омон бўлсин мард Юртбошимиз.

БИЗ УЧУН МУСТАҚИЛЛИК - АЛЛОҲНИНГ ЎЗИ ЭЛ-ЮРТИМИЗГА ИНЪОМ ЭТГАН ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ХАЛҚИМИЗ ҚУДРАТИ, САЛОҲИЯТИ, АҚЛУ ЗАКОВАТИГА ТАЯНИБ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН,ҲАР БИР ОИЛА УЧУН МУНОСИБ ҲАЁТ ҚУРИШ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УЧУН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛДИРИШДИР.

Ислом КАРИМОВ.

ЯНГИ АСРГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи мустақиллигимизнинг 8 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга пухта ҳозирлик кўраяпти. Она Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилаётган туманимиз аҳолиси ҳам бу ҳаракатнинг олдинги сафларида бормоқда. Нафсиламбрини айтганда, саккиз йил оқсоч дунёнинг азим ёши олдида оний лаҳзадек гап. Аммо сарҳисоб қилиб кўрилса...

Истиқлолдан кейин кечган ана шу қисқа муддат ичида овулларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Шу боис тумандаги саккиз қишлоқ хўжалиги, тўртта саноат ва қурилиш корхонаси, 55 та фермер хўжалиги, 104 та тадбиркор ва ишбилармонлар жамоаларида яратувчанлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам унумли бўлмоқда.

Мамлакат Президенти кўрсатмалари, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлаш тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни ҳаётга тадбиқ қилишда ҳам сезиларли силжишлар юз берди. 32 та умумтаълим мактаби ҳамда касб-ҳунар лицейида 12,5 минг ёшларнинг мустаҳкам билим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун қулайликлар яратиб берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, хусусийлаштириш, мулкка эгалик қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш натижасида халқ хўжалигида кенг тармоқли иқтисодий алоқалар шакилланди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган дастуримиз асосида мустақиллик йилларида 43 ташкилот, корхона ва хўжаликлар мулк шаклини ўзгартирди, шулардан 25 таси мулкдорларга доимий фойдаланиш учун берилди. Қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Натижада йилнинг ўтган даврида хусусийлаштириш-

Ислоҳот инсон учун

дан давлат бюджетига маблағ ўтказиш 111 фоизга бажарилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Президент фармонлари ҳам изчил равишда ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ўтган саккиз йил мобайнида меҳнаткашлар хонадонларига табиий газ етказиб бериш салкам 85 фоизга бажарилди. Марказлаштирилган тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса 60 фоизга етди.

Бугун бу рақамлар ишонч билан жаранглямоқда. Аммо 10-15 йил олдин бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ҳолбуки, одам бўйидан баланд қувурлар тўла табиий газ шундоққина қишлоқларимиз ёнидан оқиб ўтарди. Узоқ-узоқларга беминнат етказиб берилган газ йиллар давомида бизни четлаб ўтаверган. Биз, белбоққа ёлчимаган бўзчилар эса, ўчоққа ўтин, тандирга таппи ёқиб юраверардик. Тоза ичимлик суви тушларимизга кирарди, холос. Чунки, бу муаммо қишлоқларимиз у ёқда турсин, ҳатто кўпгина шаҳарларимизда ҳам тўла ечимини топмаган эди...

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, давлатимиз куч-қудрати - жамият аъзоларининг юқори онглилиги, маданияти ва чуқур билимдонлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам келажаги буюк мамлакатимизнинг янада ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун ёш авлод вакилларига ҳар томонлама теран билим сирларини ўргатиш - энг муқаддас вазифалардан бири ҳисобланади. Шу йўналишда 1999-2005 йиллар давомида 4 та касб-ҳунар коллежи қуришни режалаштирганмиз. Бу йил туман марказидаги 22-касб-ҳунар лицейи биносида таъмирлаш ишлари битказилиши билан бу билим маскани коллежга айлантирилади. 600 ўринли касб-ҳунар коллежи биноси ҳамда ётоқхонаси қурилиши эса жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Туманимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида асосий ўрин эгаллайдиган қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам мамлакат мустақиллигининг саккиз йиллиги юксак натижалар билан кутиб олинмоқда. Энг қувонарлиси, дон топшириш йиллик шартномавий режасини Оролбўйи туманлари орасида биринчилардан бўлиб бажардик. Режадагидан бир ярим ҳисса кўп даромад олинди. Шу кеча-кундузда шоли ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Мурод АБДИРОВ,
Қораўзак тумани ҳокими.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 йиллиги олдидан

Саккиз йил тарихан қисқа муддат. Аммо ана шу вақт ичида мамлакатимизда ғалла, нефт мустақиллигини таъминлаш йўлида улкан муваффақиятларга эришилди.

ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАСИ

Ўзбекистон истиқлолга қадар пахта етиштириб берувчи асосий минтақага айлантирилган, натижада донга бўлган эҳтиёжнинг фақат 20 фоизигина ўзимизда етиштирилди.

Тарихан қисқа фурсатда бу соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Буни кечагина мамлакатимиз ғаллакорлари эришган меҳнат зафарлари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Жами 3 миллион 845 минг тонна дон ўриб-йиғиб олинди. Халқимиз дастурхонига 2 миллион тоннадан ортиқ сара маҳсулот етказиб берилди.

Бободеҳқонларимизнинг бу улкан муваффақиятларида далаларда замонавий техникадан унумли фойдаланганликлари ҳам қўл келди. Хусусан, хориждан келтирилган «КЕЙС» комбайнларининг қудрати туфайли республикамиз ғаллакорлари ўрим-йиғим мавсумини мўлжалдагидан 15 кун аввал тугалладилар.

Мамлакатимиз миллий саноати ва иқтисодиётининг асосий ва муҳим тармоғи ҳисобланмиш нефт-газ мустақиллиги ҳам Ватанимиз истиқлолининг янада чуқурроқ ва теранроқ илдиз отишида улкан салоҳиятга эгадир. Юртбошимизнинг мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ нефт ва газ саноатини ривожлантиришнинг уч стратегик йўналишини аниқ белгилаб берганликлари бежиз эмас эди. Гарчанд бундан 100 йил муқаддам нефт саноатига асос солинганига қарамай, ўзимизни нефт ва нефт маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини ишга сола олмаганмиз. Натижада бу саноат маҳсулоти ҳам четдан ташиб келтирилар эди.

Мустақиллик йилларида Мингбулоқ нефт кони ҳам кўз очди. Мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмалари билан нефт ва газ саноати республиканинг етакчи саноатларидан бирига айлантирилди. Табиий бойликларнинг қазиб олинишидан тортиб, тайёр маҳсулотга айлантирилишигача бўлган жараён ягона тизимга бириктирилди.

Мустақилликкача бўлган бир неча ўн йилликлар давомида косаси оқармаган, пахта экиб сурпга зор бўлган, табиий газни «улуғ оғалари»га узатиб ўзи совуқда ўтирса ҳам икки қўли билан таъзим қилишга мажбур бўлган бардошли ўзбекнинг кўкрагига бугун ҳақиқий маънода ҳуррият шабадаси тегди. Энди у ўзи етиштирган бойликлар соҳиби. Ҳатто жаҳонга экспорт қилиб фахрланади ҳам.

Ҳа, бугун биз бировга қарам эмасмиз. Энг муҳими, бу иқтисодий жабҳада ҳам ўз тасдиғини топиб бормоқда. Эришган ютуқларимиз сўзсиз жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга, халқимиз турмуш тарзи ва фаровонлигини оширишга хизмат қилгусидир.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗЛИГИНГ АЁН ҚИЛКИМ...

Ўзлигингни аён қилким, имкон келди,
Қодирлигинг ошкор этар мезон келди.
Аҳли жаҳон ичра сен ҳам закий зотсан,
Элим, қаддинг ростла, қутлуғ замон келди.
Юртбошингга Аллоҳ назар қилганча бор,
Эл ғамида ширин жонин тикканча бор.

Қадринг поймол бўлиб қанча йиллар ўтди,
Ситамларга элтар чалкаш йўллар ўтди.
Кимларгадир дўстлик қилдинг, улар учун -
Тил, дили йўқ бўлган муте қуллар ўтди.
Юртбошингга Аллоҳ назар қилганча бор,
Эл ғамида ширин жонин тикканча бор.

Мустақиллик - улуғ неъмат Аллоҳдандур,
Уни сақлаб қолиш дили ислоҳдандур.
Аждодимиз руҳи бўлсин ризо абад,
Садоқатсиз фарзанд бўлиш гуноҳдандур.
Юртбошингга Аллоҳ назар қилганча бор,
Эл ғамида ширин жонин тикканча бор.

Беҳишт янглиғ Ватан энди очилгайдир,
Ҳар қадамда Бахт ифори сочилгайдир.
Истиқболга етаклагай танланган йўл,
Бир-биримиз қадр этсак, Юрт гуллайдир!
Юртбошингга Аллоҳ назар қилганча бор,
Эл ғамида ширин жонин тикканча бор.

Муродуллоҳ ҒАФУР

Бу бахтли инсон Асака туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг етакчи бригада бошлиғи Содиқжон Маҳмудов. У истиқлол берган имкониятдан унумли фойдаланиб, ҳосилдорликни йил сайин оширишга эришмоқда. Ҳалол меҳнат туфайли саркор бахт топди, шараф топди. Иноқ жамоасида моддий манфаатдорлик таъминламоқда. Яқинда у бошлиқ бригада даласида деҳқон кўзини қувнатиб пахта очилди. Демак, жорий йил ҳосили ҳам баракали бўлади.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

Маънавий юксалиш

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ФАНПАРВАРЛИК

«Маънавий юксалиш йўлида» китобида давлатимиз раҳбарининг республика Фанлар академиясининг 1994 йил 7 июлдаги умумий йиғилишида, 1995 йил 2 ноябрда бир гуруҳ олимлар - мамлакат Фанлар академияси вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқларидан парчалар ҳамда 1998 йил 26 июнда бўлган тарихчи олимлар билан суҳбати ҳам ўрин олган. Йўлбошчимиз академиянинг умумий йиғилишида сўзлаган нутқида фан соҳасидаги сиёсатда узоқ муддатни мўлжаллаш лозимлигини уқтириб, академик фанни ривожланиш жуда зарур эканини таъкидлаб ўтади, Фанлар академияси вакиллари билан учрашувда бу фикрни ривожлантиради, зиёлиларга истиқлол даври эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда талабни катта қўяди: «Дипломга эга бўлиш - бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади».

Ҳаммамизга аёнки, халқимизда, айниқса, ёшларимизда илм-фанга бўлган ташналик ва интилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сазовор соғлом ижодий хусусиятдир. Илм-маърифатга қизиқиши суст мамлакатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Юртбошимиз бу нутқида ҳали шу пайтгача адабий тилимизда қўлланилмаган янги иборани - ФАНПАРВАР иборасини илк бор тилга олади, фанпарвар олимларимизга тегишли шарт-шароит яратиб бериш масаласини кун тартибига қўяди, Фанлар академияси олдида турган вазифаларни белгилаб беради. Ўтмишдан бизга етиб келган бой меросимизни халққа етказиш, уларнинг қалбига муҳрлаш, кенг ташвиқ қилиш миллатимизда ғурур ва ифтихор уйғотади. Ана шу ўлмас бойлик ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириб, миллий заковат ва илмий салоҳиятни юксалтириш академиянинг энг асосий вазифасидир.

Ўтмиш билан фахрланиш, ифтихор қилиш зарур, лекин фақат шу билан чегараланиб қолиш мумкин эмас. Чунки фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди. «Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим, - дейилади мазкур асарда. - Хўш, аждодларимиздан бизга буюк мерос қолган экан, биздан авлодларимизга қандай мерос қолади? Биз фарзандларимизга қандай илмий ихтиро ва кашфиётларни, қандай фан ютуқларини, қандай илмий тафаккурни мерос қилиб қолдирамиз. Мана шу масалаларга ечим топиш академиямизнинг иккинчи муҳим вазифаси бўлиши керак». Учинчи вазифа академиянинг таркибий тузилишига доирдир: фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин. Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ҳар бир илмий ходим чет тилларини пухта эгаллаши зарур.

«Шарқона қадриятларда икки нарса ғоят улуғланади, - дейилади китобда, - каттага ҳурмат, кичикка иззат. Шу икки хусусият Академияда, умуман, ижтимоий ҳаётимизда асосий тамойил бўлсагина муҳит соғломлашади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар. Катталарни давринг ўтди, демаслик билан бирга ёшларнинг йўлини тўсмаслик керак. Ана шундагина ўсиш, ривожланиш тезлашади».

«Энди зиммасига масъулият олишдан чўчимайдиган кишилар ишлайдиган замон келди», деган Президентимиз кўрсатмасига суянган ҳолда ва ундан илҳомланиб, «Маънавий юксалиш йўлида» китобини мутолаа қилиш асносида шууримизда уйғонган айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён этишга киришамиз.

Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлардан бири шуки, бадиий сўз санъати бўлмиш адабиётнинг равнақи, унинг тараққиёт даражаси қолган барча санъат турларининг ривожланиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Масалан, театр санъати равнақи драматургияга, кино санъатининг равнақи кинодраматургияга боғлиқ. Пьеса - спектаклнинг, сценарий - филмнинг асоси. Драматургия ва кинодраматургия - адабиётнинг алоҳида, мустақил жанрлари. Яхши шоир, яхши ёзувчи бўлишнинг ўзи рисоладаги драматург, кинодраматург бўлишни таъминлай олмайди. Бунинг учун театр ва кино соҳаларининг специфик жиҳатларини ҳам ўрганмоқ, бир сўз билан айтганда, профессионализм ҳам керак, яъни билим олмоқ лозим. Хўш, профессионал драматург ва кинодраматург кадрлар қаерда тайёрланади? Шўролар замонида Москвадаги икки йиллик Олий Адабиёт курсида кинодраматургия бўлими ҳам бўлиб, у ерда ўзбекистонликлар ҳам таълим олиб туришарди. Дарвоқе, бу курс 1949 йили Ўзбекистон ташаббуси билан очилиб, унда дастлаб фақат ўзбекистонлик ёш қаламкашлар сабоқ олишган экан. Кейин бу тадбир яхши натижа бергани сабабли Бутуниттифоқ Олий Адабиёт курсига айлантирилган. Бу мисолни келти-

КЕЛАЖАГИ БУЮК СОҲИБИ DАВРОНМИЗ!

Сўз-«Шуҳрат» медали соҳибасига

Йиллик эҳтиёжимизни қоплайдиган даражада хирмон кўтардик. Бу мустақиллик шарофати. Ана шундай мўл-кўл хирмонга салмоқли улуш қўшганлардан бири Пискент туманидаги Аҳмад Дўстбеков номли хўжалик-

ШУ БУСТОНГА КЎЗ ТЕГМАСИН

нинг ғаллачилик бригадаси бошлиғи Муҳаббат Ризаевадир. 201 гектар суғориладиган майдонда ғалла етиштирилиб, 45 центнердан ҳосил олинди.

— Ерларимиз қишлоқларга туташиб кетган, - дейди бригадир. - Белгиланган ишлар қандай кетаяпти, одамларнинг кайфияти қандай, бирон кўмак керак эмасми, буларни ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоқларим билан эшитмагунча кўнглим тинчимайди. Ҳар куни камида ўттиз километр йўл босаман. Бунга кўникиб кетганман.

— Оиламизда ҳамма ғаллакор, - давом этади у. - Турмуш ўртоғим Маҳмуд Ризаев, фарзандларим Азим, Баҳром, Камола, Феруза, Акромлар 55 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, яхши натижага эришдилар. Кенжа Бекбоева, Зокир Холтўраев, Феруза Эшбоеваларнинг шартномадан орттириб олган бугдой ҳосили 5-7 тоннадан ўзларига қолди. «Жорий йилда, - деган эди Президентимиз И. Каримов 1999 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотлар якунига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида, - ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича яна бир дадил қадам қўйилди».

Бундай ютуққа қадоқ қўлли ана шу деҳқонлар, минглаб миришкорларнинг садоқатли меҳнати орқали эришилди.

Бригада далаларида ҳам ана шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Бир томонда трактор билан ерлар экишга тайёрланаётган бўлса, бошқасида иккинчи ҳосил парвариши авжида. Шу куни ҳамкишлоқлар Муҳаббат Ризаевани Ватанимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан табриклашдилар. Шунда у Президентимизнинг Фармони эълон қилинган газетани олиб, узоқ вақт ўйлади. Болалигидан то шу пайтгача ўтган ҳаётидаги энг муҳим воқеалар кўз олдидан ўтди. Оддий кетмончининг қизи мустақил давлатимизнинг мукофоти билан тақдирланди. Бундай бахт, бундай қувонч фақат меҳнати билан одамлар орасида иззат-обрўга эга бўлган кишиларгагина насиб этади. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир: «Бугун мана шу минбардан туриб, ғаллакор - деҳқонларимизга фидойи меҳнатлари учун таъзим қилишни ўз бурчим, деб биламан». Бу - халқимиз дастурхонини нонларга тўлдираётган барча ўзбек ғаллакорларига, шу жумладан, Муҳаббат Ризаева каби фидокорларга қарата айтилган гаплар эди...

Темур ҲАЙДАРОВ.



Хива туманида фаолият кўрсатаётган «Пахлавон-маҳмуд» номли хусусий корхона жамоаси Аёллар йили муносабати билан 80 та беморга хизмат кўрсатадиган «Аёллар маслаҳатхонаси» шифохонасини бунёд этди. Хусусий корхона раҳбари Аминжон ота Собировнинг таъкидлашича мустақиллик байрамигача бу шифохона ёнида қурилаётган ошхона, чойхона, тикувчилик цехи ҳам ўз фаолиятини бошлайди. Бунинг натижасида 30 нафар киши иш билан таъминланади.

Суратларда: 1. Аминжон ота Собиров ўғли Жуманазар билан.

2. Хусусий корхона биноси кўриниши.

ИНСОН КОМИЛЛИККА ИНТИЛАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг концепция ва тамойиллари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасида (1995 йил 23 февраль), Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкентда ўтказилган семинар-кенгашда (1995 йил 15 сентябрь), БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида (1995 йил 24 октябрь, Нью-Йорк) ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувида (1996 йил 3 декабрь, Лиссабон) сўзлаган нутқларида аниқ ва равшан белгилаб берилди. Бу тамойиллар мамлакатимизнинг тинчликпарвар давлат сифатида танилишига асос бўлди.

Ўзбекистон минтақада ўз барқарорлиги ва давлат хавфсизлигини таъминлаши учун қуйидаги вазифаларни устувор деб белгилади. Биринчидан, Ўзбекистон халқаро жамиятда, давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини топиши керак. Шу сабабли республиканинг турли халқаро ташкилотлар, яъни давлатлараро ва ноҳукумат ташкилотлар, айниқса, БМТ ва ЁХҲТ фаолиятида фаол иштироки таъминланмоқда. Иккинчидан, етакчи давлатлар билан битимлар тизимини яратиш миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон қанчалик кўп мамлакат билан дўстона муносабат ўрнатса, конструктив мулоқот ва ҳамкорлик олиб борса, хавфсизлик шунчалик юксак кафолатланади. Учинчидан, давлатлар ўртасида тузилган битимларга оғишмай амал қилиш хавфсизликни таъминлашнинг шартларидан ҳисобланади. Тўртинчидан, хавфсизликнинг кафолати ташқи сиёсатда мафкуравийликдан батамом воз кечишдир. Ўзбекистон барча қитъа ва минтақалардаги мамлакатлар билан уларнинг мафкуравий устқурмаларидан қатъий назар, халқаро ҳуқуқнинг умумий тан олинган норма ва тамойиллари асосида муносабат ўрнатмоқда. Давлатлараро муносабатларда фақат бир мафкура — тинч-тотув яшаш, суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳамкорликка интилиш, қарашлар ва фикрларнинг хилма-хиллигини эътироф этиш тамойилларига амал қилинади. Бешинчидан, Ўзбекистон ҳарбий блокларда иштирок этмасликни миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолати деб билади. Биз фақат тинчлик, хавфсизлик, мамлакатлар ва халқлар ҳамкорлиги ишига ёрдам берадиган, Ўзбекистон миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳамкорликка тайёрмиз. Шу маънода Ўзбекистон 1994 йил июлда НАТОнинг коллектив хавфсизликнинг кенг тизимини барпо этишда ҳамкорлик қилишга қаратилган «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурини имзолади. Олтинчидан, миллий хавфсизликнинг шартларидан яна бири Ўзбекистоннинг яқин қўшни мамлакатлар — Марказий Осиё давлатлари билан мустаҳкам ва ҳар томонлама интеграциялашувидир. Бу мамлакатлар халқлари тақдирининг тарихан умумийлиги конструктив ҳамкорлик ва ўзаро ҳамфикрлик учун асос бўлади. Еттинчидан, давлат хавфсизлигининг муҳим кафолати — бизнинг янги миллий армиямиздир. Армиямизни яна ҳам мустаҳкамлаш ва уни ислоҳ қилиш йўлида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ниҳоят, саккизинчидан, ҳозирги дунёда давлатнинг барқарорлиги жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий-ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларига таяниш орқали таъминланади. Бу муҳим ишда Шарқнинг қудратли маънавий имкониятларидан, халқларни биродарликка, тинч-тотув яшашга, аҳилликка чорловчи ислом фалсафасидан ҳар томонлама фойдаланишимиз керак. Бу маънода Президентимизнинг ислом қадриятларини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари хайрли ва эзгу иш сифатида халқимиз томонидан мамнуният билан қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакат тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнайдиган омиллардан бири — Ватанимиз фуқароларининг ўзаро тотувлиги, халқ ва она юрт манфаатларини онгли равишда идрок этиши ва уни қатъий туриб ҳимоя қилишидир. Халқимизга хос бўлган шукроналик, ўзи яшаётган ва меҳнат қилаётган замин ва замонадан қаноат ҳосил қилиш, ўткинчи қийинчилик ва муаммоларни зийраклик, сабр-матонат ва бардош билан қаршилаш, давлат ва жамият олдидаги вазифаларни масъулият билан қабул қилиш, бир сўз билан айтганда — соф виждонли инсонга хос бўлган фазилатлар мамлакатимиздаги осойишталик ва барқарорликнинг асосий манбаларидир.

Ўзбекистоннинг XXI аср сари тараққиётидаги энг долзарб вазифаларидан бири Ватанимиз мавжуд осойишталиги ва барқарорлигини авайлаб асраш, халқларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш учун курашишдан иборат. Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, «Огоҳ бўлинглар, одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак.

Эркин ЗОКИРОВ

МУҚАДДАС БАЙРАМ АРАФАСИДА

Бизнинг мамлакатимизда инсон юксак қадрланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбари етимесирлар, ёрдамга муҳтож оилалар, фахрийларни мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олдилар. Бунинг шарофати билан қайд этилган умри азизлар бозор қийинчиликларини енгиб ўтишга муваффақ бўлишаяпти. Ҳар бир фуқаро, оила ўз ҳаёти мисолида мустақиллик буюк неъмат эканлигини чуқур ҳис қилиб яшамоқда.

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Бу йил Иштихон тумани деҳқонлари катта тўйга муносиб меҳнат совғаси ҳозирлаш учун фидойилик кўрсатиб ишламоқдалар. Шу кунгача давлатга пилла, ғалла сотиш режаси ортиғи билан адо этилди. Ўнта саноат корхонасида 372 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Буларнинг барчаси ижтимоий меҳнатни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби тад-

Кунда бир ўзгариш

бирларни амалга ошириш, ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Шу йилнинг етти ойи ичида меҳнатни муҳофаза қилишга 4 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 350 киши янги иш ўринлари билан таъминланди. Хўжаликларда 21 та доимий болалар боғчалари ишлаб турибди. 10 та футбол, 20 та волейбол майдонлари спорт ихлосмандлари ихтиёрида. Аёллар йили муносабати билан волейбол, шахматшашка, стол тенниси бўйича спартакиада, шунингдек, Абдулла Бердиқулов ва Элибой Қорабоев хотира совринлари учун мусобақалар ўтказилди.

Яна бир қувончли воқеа - Мустақиллик байрами арафасида иккита қишлоқ шифокорлик пункти иш бошлади. 30 километр масофага газ, 17 километрга сув қувурлари тортилди.

«Туркистон» жамоа хўжалиги аъзоларининг ҳам қувончи чексиз. Боиси бу ерда замонавий шифохона бунёд этилди. 12,5 километр узунликдаги йўл асфальтланди ва созланди. Эрта индин кўплаб хонадонларда зангори олов порлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича хўжалик қарздан тўла тўкис узилди.

Абдулла Бердиқулов номли ижара хўжалигида мулкдорлар сафи кенгайиб бормоқда. Ўз еридан, эришилаётган натижалардан фахрланиш ҳисси деҳқонларни янги марралар сари етакламоқда. Ерлар шартнома асосида кишиларга бўлиб берилганлиги ҳосилдорликни кескин оширди. Жумладан, гектаридан 52 центнердан ғалла ҳосили олинди. Хўжалик юз фоиз газлаштирилди. Муқаддас байрам куни арафасида беш километр масофадаги қувурлардан хонадонларга оби-ҳаёт таралади. Иштихонликларнинг кайфияти аъло, нияти улуғ. Улар чинакам бахт эшигини очиб берган Истиқлолга таъзим, дейишмоқда.

Дарҳақиқат, бундан саккиз йил муқаддам бу ҳақда ошкора гапириб бўлмасди. Мустабид шўро салтанати даврида «Дин - халқ учун афъюндир» деган шиор амалда бўлиб, виждон эркинлиги масалалари шафқатсиз назорат остида эди. Динга эътиқод қилиш у ёқда турсин, ўзимизга хос бўлган миллатимиз белгиси - бошга дўппи кийиб юришга ҳам истиҳола қилинарди.

Гарчанд республикамизда икки юзга яқин масжид ва Бухородаги диний билим берадиган ягона маскан Мир Араб мадрасаси фаолият кўрсатса-да, булар қаттиқ назорат остида эди. Ўтмишда маънавият ва маърифатимиз ўчоғи бўлган минглаб мадрасаларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари омборхоналарига айлантирилган, кўплари қаровсизликдан хонавайрон ҳолга келтирилган, айримларини бузиб, ғиштларидан ҳатто маҳбусхоналар қурилган, тарихий обидалар ҳисобланган мақбараларнинг аҳволи эса бундан-да баттар эди. Бундай ҳаракатлар ўзлигимиздан мосуво қилиш учун қилинган, албатта.

Тўғри, шўро ҳукумати халқаро ҳамжамият олдида ўзини фуқаропарвар қилиб кўрсатишга уринган. Масалан, 74 йиллик шўро ҳукмронлиги мобайнида, шунда ҳам Марказнинг минг хил чиғириғидан ўтгандан сўнг, атиги саксон олти нафар кишигагина ҳаж сафарига боришга рухсат этилган. Асримиз бошларида миллатимиз шаънини, эркини, чин маънодаги озодлигини мадҳ этувчи

ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

Мустабид тузум даврида динга эътиқод қилиш у ёқда турсин, миллатимиз кўрки-дўппи кийиб юришга ҳам истиҳола қилинарди

шоиримиз Чўлпон:

Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғулгонсен!- дея даъват этгани бежиз эмас.

Бироқ, мустамлакачиликнинг мустаҳкам занжири халқимизни бош кўтаришига имкон бермасди. Илло, дили Аллоҳда, қўли меҳнатда бўлган миллатимиз сарлочинлари курашга шай эдилар. Ана шундай қалтис тарихий вазиятда мамлакатимизга Худонинг ўзи ёрлақаган шахс раҳбарлик қила бошлади. Бу - муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов эди. Айнан шу кишининг мисли кўрилмаган жасорати ва элу юртга беҳисоб муҳаббатлари туфайли 1991 йил 31 август куни МУСТАҚИЛЛИК эълон қилинди. Натижада иқтисодиётимиз билан бир қаторда миллий урф-одатларимиз қайта тикланди. Муқаддас динимизнинг нуфузи ортди. Умумхалқ байрами - Наврўзга қайта жон бағишланди. Маънавий-маърифий ҳамда диний маросимимиз халққа қайтариб берилди. Дунёда ягона нусха ҳисобланган Усмон Қуръони диний бошқармага тақдим этилди. Ҳалқаро диний-маънавий алоқалар мустаҳкамланди, бу муносабатлар тобора ривожланиб бормоқда. Ҳозир Ўзбекистонда ҳалқаро ислом тадқиқот Маркази ишлаб турибди.

Шуни айтиш керакки, мустақилликнинг тарихан шу қисқа саккиз йиллиги мобайнида йигирма минг нафардан ортиқ одам ҳожи бўлиш бахтига эришдилар. Бундан ташқари, ўн беш мингдан зиёд киши умра зиёратига боришди. Шунингдек, Имом ал-Бухорий номли олий ислом институти, тўққизта диний мадраса, бир минг беш юздан зиёд масжидлар фаолият кўрсатмоқда. Мадраса ва мақбараларни тиклаш, таъмирлаш жараёни муваффақиятли кечмоқда. Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний мақбаралари меъмориал мажмуалари бунга ёрқин мисолдир. Барча фуқаролар-нинг виждон эркинлиги тўлиқ кафолатланган. Буни Конституциямиз ҳам, Олий Мажлис томонидан 1998 йил май ойида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ҳам исботлаб турибди. Чунончи, республикада 1640 та диний ташкилот расман рўйхатдан ўтган. Улардан 1510 таси ислом, 119 тасини насроний ҳамда 11 тасини иуда ва баҳоий диний жамоалари ташкил қилади. Бу ҳам ўзбек халқининг табиатан тинчликсевар ҳамда миллатпарварлигини тасдиқловчи муҳим омил деб айтиш мумкин.

Салим МЕЛИҚУЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари.

ришдан мақсадимиз, профессионал драматург ва кинодраматург кадрлар тайёрлаш ишига эътиборни жалб қилишдир. Кўпдан бери Тошкентдаги олий ўқув юртларида (жумладан, Санъат институтида) драматургия ва кинодраматургия бўлимларини (ёки курс ва гуруҳларини) очишга оид таклифлар ўртага ташланмоқда. Лекин бу масала ҳали-ҳануз ўз ечимини топганича йўқ.

Фундаментал фанларни, рамзий қилиб айтганда, оғир карвонга қиёс этиш мумкин. Одатда, оғир карвонни жойидан жилдириш қийинроқ, лекин у жойидан силжидими, қадамлар залворли, оқибат натижаси улкан бўлади. Фундаментал фанлар бўйича Ўзбекистоннинг салоҳияти тараққий этган мамлакатлар орасида алоҳида нуфузга эга. Обид Содиқов, Ҳамдам Усмонов, Содиқ Азимов, Ҳабиб Абдуллаев, Собир Юнусов, Убай Орипов, Карим Аҳмедов ва бошқа кўпгина олимларимиз, уларнинг бугунги кунда фаолият кўрсатаётган издошлари ва шогирдлари билан фахрлансак арзийди. Лекин давр олдимизга янги талаблар, янги вазифаларни қўймоқда. «Умид» ва бошқа жамғармалар ҳамда турли ташкилотлар йўналиши бўйича чет элларга ҳуқуқшунослик, иқтисод мутахассислари бўйича кўплаб ёшлар ўқишга юборилаётгани яхши. Лекин буларга қўшимча тарзда физика, кимё, математика каби ихтисослар бўйича, айниқса, ўзимизда ҳозирча кам ривож топган, умуман, фундаментал фанларнинг энг янги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш устувор вазифа бўлмоғи лозим. XXI аср технология асри бўлади, дея башорат қилувчиларнинг гапларини инобатга олмоқ керак.

Оғир карвон - фундаментал фанлар узоқни кўзловчи, самарани кейинроқ берувчи ақлий меҳнат турларидир. Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ана шундай олимларни кўзда тутиб, билим орттиришни заҳмат деб эмас, лаззат деб таърифлайди.

Мамлакатимизда иқтисодий салоҳиятни ўстиришда замонавий технологияни жорий қила боришнинг аҳамияти катта. Шундай экан, физика, математика, кимё, биология каби фанлар ривожига эътиборни янада кучайтириш даркор. Биз бундай хулосага «Маънавий юксалиш йўлида» китобини синчиклаб мутолаа қилиш орқали келдик. Бу китоб республикамизда ўтказилиб келинаётган маърифий чора-тадбирлар орқали халқимиз маънавий юксалаётганини тасдиқлайди. Ҳатто бу ҳолни китобга илова қилинган 1991-1998 йиллар унутилмас саналар солномасидан ҳам, асар мундарижасидан ҳам илғаб олиш мумкин, буларда республикамизда юзлаб маърифий-маданий тадбирлар тилга олинган ва ҳоказо.

Тилга ихтиёр - элга эътибор, дейди буюк Навоий бобомиз. Тил барча фанларнинг ҳам отаси, ҳам онасидир. Афсуски, баъзан матбуотда адабий тил қонун-қоидаларига, мантиқийликка риоя қилинмаган ҳоллар учраб қолмоқда. Яқинда «инсонпарварлик ва демократик қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар» деган иборага кўзимиз тушди. Бундай дейиш мантиққа тўғри келмайди. Чунки қадриятни мустаҳкамлаб бўлмайди. Унинг ўзи мустаҳкам нарса. Мустаҳкам бўлмаса, асрлар синовига дош беролмай, бизгача етиб келолмасди. Қадриятни мустаҳкамлаш деган ибора худди мармар пойдеворни ёғоч тўқмоқ билан шиббалаш жараёнини эсга солади. Қадрият ҳақида сўз юритиш учун унинг нима эканини билиш шарт. Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуига маданий мерос дейилади. Бироқ ўтмишдан қолган барча нарсалар бир хил қадриятга эга бўлмайди. Маданий меросниг қадри абадул-абад тушмайдиган қисмига миллий қадриятлар дейилади. Демак, «қадриятларни мустаҳкамлаш» деган ибора ўрнига «қадриятларни бойитиш» ибораси ишлатилса, вазифа аниқланади. Чунки қадриятларни бойитиб бориш мумкин ва зарур ҳамдир.

Маълумки, ҳар бир жамият ўтмиш маданий меросини қандай бўлса, шундайлигича, кўр-кўрона қабул қилиб бўлмайди. Маданий меросниг ўз дунёқараши, тузуми, манфаатларига мос келадиган, бугун ва келажак учун хизмат қиладиган қисмини қабул қилади. Масалан, шўролар даврида номаълум аскар қабрини зиёрат қилиш одат эди. Аслида бу мантиқсиз, миллий турмушимиз ва урф-одатларимизга зид бир нарса эди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан республикамизда Хотира ва қадрлаш куни жорий қилинди. Миллий қадриятларимиз яна бир қадрият билан, бугун учун ҳам, келажак учун ҳам хизмат этадиган, тоабад сақланиб қоладиган, авлодлардан авлодларга ўтиб борадиган зиёрат турига тамал тоши қўйилди. Ёки бўлмаса, илгарилари диний олимлар бўлмиш уламоларнинг юбилейлари ўтказилмасди. Истиқлол шарофати билан имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорларнинг, асрдошларимиз Зиёвуддин Бобохонов каби буюк зотларнинг йирик саналари кенг нишонланди. Бинобарин, миллий қадриятларимиз бойиб, истиқлол маданиятини яратишимизга негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга ўхшаш маърифат ривожлантирилади, маънавият юксалтирилади, бойитилади, дейилса мос бўлади.

Республикамиз олимлари олдида фалсафа, сиёсатшунослик ва социология фанлари соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш бўйича катта вазифалар турибди. Бизнингча, бу борадаги устувор йўналиш методология масалаларига, концептуал-услубий таҳлил муаммоларига қаратилиши лозим. Чунки гуманитар фанлар соҳасида концептуал-услубий таҳлилга деярли эътибор бермай келинган. 1998 йили эълон қилинган ва мазкур тўпламдан ўрин олган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган асарда илк бор жамоатчилик эътибори концептуал-услубий таҳлил муаммосига қаратилди. Бу илмий даъват илк самарасини берди ҳам. Яқинда фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий кенгашида концептуал-услубий таҳлилга доир илмий иш муваффақиятли ҳимоя қилинди. Бошланган бундай долзарб, айни пайтда чуқур билим, қунт-сабот ва олимона фидойиликни талаб этадиган мавзулардаги тадқиқотларга кенг йўл очиб бериш, уларнинг муаллифларига керакли шарт-шароитларни яратиб бериш, илмий ишларини нашр эттиришга ёрдам бериш, хуллас, моддий ва маънавий рағбатлантира бориш Фанлар академиясининг, алоқадор вазирлик ва ташкилотларнинг диққат марказида туриши лозим, деб биламиз. Чунки концептуал услубиятни тўғри изга солиб олиш гуманитар фанлар соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишда бош омиллардан биридир.

Хуллас, Йўлбошчимиз томонидан фан равнақи йўлида олимларимизга кўрсатилаётган зўр меҳрибонлик - фанпарварлик улкан натижалар келтиражак.

Хотира

11 АВГУСТ... МИШ - МИШ ВА «ҲАҚИҚАТ»ЛАР

Ўша кунги машъум воқеа барчанинг қалбини ларзага солиб юборди. Нафақат футбол мухлислари, барча-барча севимли «Пахтакор»имизнинг бошига тушган фалокат изтиробида яшади.

Кимдир акасидан, кимдир укасидан, ва яна кимдир турмуш ўртоғи-ю, отасидан маҳрум бўлган эди йигирма йил муқаддам.

Ҳа, ўша машъум 1979 йил 11 август куни ўзбек футболининг ёрқин юлдузларидан ташкил топган «Пахтакор» жамоаси «Тошкент - Гурьев - Донецк - Минск» йўналиши бўйича учаётган самолётда Днепродержинск шаҳри осмонида портлаб кетди. Бу жумлалар ва ёвуз фактлар йигирма йилки такрорланади. Ва ҳар гал ҳалок бўлган ўша 17 ўғлон номи тилга олинган сари, гўёки кўнглимизда: «Пахтакор» юлдузлари ҳалиям тирик», деган фикрлар ўтаверади. Худди ораларимизда юргандек улар...

Фалокат қандай содир бўлганига эса турлича изоҳлар ва турлича хулосалар билан ёндошиларди. Самолёт қаерда портлаган ва бу машъум воқеаларнинг остида кимларнинг қўли бор, деган саволлар барчанинг фикру хаёлини чулғаб олганди. Одамлар кўчакўйда «балки йигитлар ичида тирик қолганлари бордир», деган фикрларни ҳам айтиб юришарди. Бунда оммавий-ахборот воситаларининг ҳам айби бор, албатта. Чунки (бу ўша вақт учун одатий ҳол эди) бирорта газета ўша куннинг эртасига воқеа ҳусусида чурқ этмади. Одамларнинг қалбидан сизилиб чиқаётган сўнгсиз саволлар ўз жавобини тополмай, турли мишмишларни келтириб чиқарди. Фақатгина бир неча кундан сўнг, «Ўзбекистон Физкультурачиси» ва «Физкультурник Узбекистана» газеталари 17 қурбоннинг суратларини чоп этди.

«11 август 1979 йил, соат 13.35 дақиқа. 38-сония. Йўналиш: Тошкент - Гурьев - Донецк - Минск, борт № 65816, йўналиш Челябинск - Кишинёв, борт № 65735. Учиш баландлиги - 8400 метр, тўқнашув координатлари нуқтаси: 48° 33° 45° кенглик ва 35° 40° 38° шарқий узоқлик. Йўловчилар умумий сони - 178 киши, шу жумладан «Пахтакор» жамоасининг 17 аъзоси ҳалок бўлди»

Собиқ Иттифоқнинг марказий нашрларидан бири бўлган «Советский спорт» газетаси марҳум пахтакорчилар учун ўн сатрли жойни ҳам аягани ундан-да аянчли ҳолат...

Вақт ўтган сари, йиллар йилларнинг ортига из солган сари ҳеч ким ва ҳатто ушбу ишларни ёритишга масъул кишилар ҳам 11 август воқеаси ҳусусида чурқ этмасди. Бу воқеа тафсилотини очиб бера оладиган мард топилмасди ўшанда... Сабаб эса оддий - «Пахтакор» билан содир бўлган фалокат собиқ Иттифоқнинг ўта маҳфий сиёсий ишлари ва манфаатлари билан боғлиқ ҳолда содир бўлганди. Мабодо ўша 178 киши портлаб кетган фожеада бутун бошли «Пахтакор», бутун бошли жамоа бўлмаганида, эҳтимол бугун ўша фалокат ҳусусида ҳам билмаслигимиз аниқ эди. Бутун бир Ўзбекистоннинг марказий жамоаси йўқ бўлиб қолгач, мамлакатда турли мишмишлар тарқалиб кетишидан чўчиган сиёсий арбоблар ушбу ҳалокатни эълон қилишга мажбур бўлгандилар. Давлат йўлида иккиучта самолётнинг йўқ бўлиб кетиши унчалик фожеали ҳол эмас эди, гўё.

Бироқ яна бир бор айтишга мажбурмиз - бу ҳалокатда нафақат собиқ Иттифоқ, балки хорижда ҳам анча донгдор жамоанинг ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши барчани ҳайратлантириб юбориши ва марҳум пахтакорчиларнинг оила аъзолари тамонидан ҳаддан зиёд ёлиб-югуришлар «тепадагилар»ни «қимирлаш»га мажбур этди. Улар «Пахтакор» ортида термулиб турган миллионлаб қора кўзларни овутиш ниятида «махсус текширув қўмитаси» тузилганлигини ҳам бир неча бор айтишганди. Шундай қилиб, миш-мишлардан зериккан халқ энди қўмитадагиларнинг «Баёнотлари»ни кутиб яшадилар. Ўз вақтида қўмитанинг «ақлли»ва «зукко» кишилари ҳам «Пахтакор» қисматига бефарқ бўлмаган инсонларга тузукроқ баҳоналар топиш ниятида онда-сонда ғалати ташвиқотлар ва ғалати таклифлар билдириб турарди. Табиийки, давлат ишларини махфий сақлаш учун ҳатто портлаган самолётларни ҳам яширишга ўрганган «қўмита» вакиллари бу масалада ҳам оддийгина услубни қўллади. Яъни, бор айбни икки самолётнинг портлаши ва тўқнаш келиб қолишига ердан туриб «замин яратган» икки авиабошқарувчи устига юклатилди. Икки сохта айбдор 178 қурбон учун жавоб берадиган бўлдилар. «Одил суд» эса «айбдорлар»ни 15 йил қамоқ жазосига маҳкум этди. Уларнинг бири қамоқда бу туҳматларга чидай олмай ўзини ўзи ўлдиришга қўл урган бўлса, иккинчиси сал бўлмаса телбага айланиб қолаёзди.

«Шундай қилиб, фалокатнинг айбдорлари топилди ва гўёки бу ишларга якун ясалди.» Бу ўша қўмитанинг айрим вакиллари кўнглидан ўтган бўлса, ажаб эмас ўшанда.

...Бироқ одамзот ҳамиша шов-шувли воқеаларга ўч бўлиб яшаши ва турли изланишлардан тап тортмаслик одати, бу «эртамиз»нинг давоми борлигини кўрсатиб қўйди. Орадан ўн йилларча ўтиб, собиқ Иттифоқнинг марказий нашрлари, хусусан, «Московское новости», «АиФ» ва «Труд» газеталарида «Пахтакор-79» ҳақида, у билан содир бўлган ҳалокат тўғрисида палапартиш ва остин-устун баъзи маълумотлар берила бошлади. Барча ўша икки «айбдор»нинг муносиб «жазолангани» ҳусусида овунган бир пайтда, газеталардаги янги-янги фактлар бир-биридан ҳайратомуз эди. «Собиқ КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котиби Леонид Брежнев 1979 йилнинг 11 августида Днепродзержинск осмонидан учиб ўтаётганда, унинг хавфсизлигини таъминлаш ниятида собиқ Иттифоқ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан «Пахтакор» учиб кетаётган самолёт уриб туширилган эди.»

Шундай қилиб, марҳум пахтакорчилар дардида куйган ва армон билан яшаётган оналар, ёр-у биродарлар, миллионлаб ишқибозларнинг юрагидаги яраларга яна ўша оғриқли «туз» сепилди. Қалбларни «Ҳалокатга доир қайси маълумотларга ишонайлик», деган изтироблар ўртай бошлади. Ҳа, майда хабарчаларнинг ичида айниқса икки хабар барчани ўйлантира бошлади. Лекин, улар ҳам ёлғон бўлиб чиқди. Биринчиси ўзўзидан, чунки икки авиабошқарувчи бу нарсаларни «кўрмай қолишлари» кулгили эди. Брежнев ҳусусидаги миш-миш эса умуман ноўрин. Днепродзержинскнинг шимолида - Минск, ғарбида - Киев, Львов, жанубида - Донецк шаҳарлари, шарқида эса Урал тоғлари ястаниб ётибди. Архив ҳужжатлари 1979 йилнинг 11 августида эса Брежнев ушбу шаҳарларнинг биронтасига ҳам бормаган ва уларнинг тепасидан ўтмаганини тасдиқлайди. Демакки, собиқ Иттифоқ раҳбарининг бу масалада аралашмагани ойдинлашди. Аммо... кейинчалик қандайдир таскин истовчи одамлар ўзларига «учинчи ҳақиқат»ни излаб топишди.

...Днепропетровск шаҳрида нишонни йўқ қиладиган ракеталарни ташувчи қуроллар, мосламалар ишлаб чиқарадиган собиқ СССР (ҳозирги Украина)даги энг катта заводлар мажмуи қурилган ва у яширин тарзда фаолият кўрсатар эди. Вилоят маркази Днепропетровскдан унча узоқ бўлмаган Днепродзержинск шаҳри атрофида ана шу ракеталарни ташувчи қуроллар ва мосламаларни синайдиган ҳарбий майдон бор эди. Айнан 1979 йилнинг 11 август куни 13.32 дақиқада навбатдаги синов ҳаракатлари белгиланганди. Ракета отилганида фалокат юз берди. У ўз белгиланган чизиғидан чиқиб кетиб, айни ўша вақтда 8500 метр баландликда Челябинск - Кишинёв йўналиши бўйлаб учиб бораётган ТУ-134 самолётига бориб тегади ва ўша заҳотиёқ уни ҳавода парчалаб ташлайди. Ўша сонияларда собиқ Иттифоқнинг жанубидан эса Тошкент - Минск йўналишли ТУ-134 самолёти учиб ўтаётган эди. Фалокат оний лаҳзаларда, кўз очиб юмгунча содир бўлди. Юқорида парчаланган самолётнинг оғир бўлакларидан бири ундан сал пастда учаётган Тошкент - Минск самолётига бориб тегади ва унинг дум томонини узиб юборади. Табиийки, самолёт бир неча дақиқа давомида ўз мувозанатини йўқотиб қўяди. Айланиб-айланиб қулай бошлайди. Учувчиларнинг саъй-ҳаракатлари ҳам бу самолётнинг саломат қолишига ёрдам бера олмади. Ушбу воқеа, яъни қулаётган самолётга кўзи тушиб қолган учувчининг гувоҳлиги қуйидагича эди:

«Мен дарахтдан узилиб тушган барг мисол айланиб-айланиб тушаётган самолётни кўрдим. Узоқдан қараганда дум қисмидан десантлар тушарди. Аммо кейин маълум бўлишича, улар десант эмасди. Чунки ҳадеганда уларнинг парашюти очилавермасди. Узилиб кетган дум қисми эса одамларни ташқарига даҳшатли суратда отарди.»

Мана, сизга севимли «Пахтакор»имизнинг сўнгги кунлари ҳусусидаги гувоҳликлар... Биз бу «учинчи ҳақиқат»га ён босмоқчи эмасмиз. Аммо унинг замирида олдингиларига қараганда бирмунча ҳақиқат борлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Ҳеч бўлмаса, бу «ҳақиқат» замирида ётган сўнгги хулосага ҳамфикр эканлигимизни айтиб ўтайлик: «Пахтакор» мустабид тузум қурбонига айланди!!! Портлаб ер узра тушаётган суюклиларимизга гувоҳлик берган учувчи ўша кундан бошлаб самолёт ҳайдашни тўхтатгани ҳусусида ҳам гаплар юради. Унинг кўз ўнгида «дарахтдан узилган барг мисол» тушаётган самолёт ўша барг мисол ерга тушмади. Самолёт жуда оғир эди, у оҳиста қўна олмасди. Самолёт тушган Куриловка қишлоғида ҳарбийлар дарҳол тўпланиб қуйиб-пишган жасадлар бўлакларини махсус елим қопларга жойлаштиришди. Улар ичида Ўзбекистоннинг ўн етти ўғлони ҳам бор эди...

Хайрулло ҲАМИДОВ.

Кўл бўйида қўш турна,
Билмайман не излашар.
Балки улар ҳам мендек
Сувга сирин сўзлашар.

Ўзбекистон — Ҳиндистон

БОҚИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Ҳиндистон маданий марказида Ҳиндистон мустақиллигининг 52 йиллигига бағишланган фотокўргазма ва мусиқий тадбир ўтказилди. Фотокўргазмадан ҳиндистонлик энг яхши суратқашлар юборган фотосуратлар жой олди.

Уни Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Абдуманнон Алимов ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасидаги боқий дўстлик ришталари ҳақидаги сўзлар билан очди. Ҳинд диёри мумтоз мусиқалари садоси остида марказнинг «Ҳинд классик рақси «Катхак» курси талабалари ижро этган жозибадор рақслар тадбирнинг бадиий қисмини давом эттирди. Айниқса, ушбу курс устози Мангала Бхатт ижросидаги рақс томошабинларнинг давомли олқишларига сазовор бўлди.

Шунингдек, ҳинд санъаткорларининг қўшиқларини маромига етказиб ижро этганлиги туфайли нафақат Ўзбекистонда, балки Ҳиндистонда ҳам яхши таниш Диловар Жалолова ҳамда Зиёдулла Насуллаевлар нозик оҳангларда муҳаббат ва дўстликни куйладилар.

Тантаналарда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бхаткар Кумар Митра жаноблари, Ҳиндистон маданий маркази раҳбари профессор Қамар Раис жаноблари ҳамда хорижий давлатлар маданий марказлари вакиллари иштирок этдилар.

— Биз элчи жаноблари ҳамда марказимиз номидан Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари Кенгашига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз,- деди профессор Қамар Раис. -15 августда нишонланадиган Ҳиндистон мустақиллиги шодиёналарининг Ўзбекистон мустақиллиги тантаналари билан кетма-кет нишонланиши айниқса қувончлидир. Ўз навбатида ҳинд халқи номидан азиз ўзбек халқини ушбу улуғ айём билан чин юракдан қутлаймиз. Ишонаманки, бугунги каби тадбирлар азалдан оғаини бўлган икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини бунданда мустаҳкамлайди. Бугунги кўргазма эса Ҳиндистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлини аниқ-равшан акс эттиради десак муболаға бўлмайди.

— Ўзбек ва ҳинд халқлари, уларнинг маданияти, санъатлари ўртасида азалий яқинлик мавжуд,- дейди тадбир қатнашчиларидан бири, фотосуратлар ихлосманди С.Зоиров.- Бугунги суратлардан олам-олам завқ олиб, узоқ ҳинд эли ҳаёти билан танишасан киши. Улар ҳинд халқи ҳаёти ва маданиятидан сўйлаётганга ўхшайди.

Фотокўргазмага қўйилган ҳиндистонлик суратқашларнинг «Шубҳа Мудгал талабаларни тинглямоқда», «Соҳилдаги янги рақс», «Катта оила дам олиш пайтида», «Оммавий ахборот воситалари», «Йўлбарслар» каби суратлари барчада катта таассурот қолдирди.

Муҳаббат ДАВРОНБЕК қизи.

Дарё ва бошқа сув оқимлари ҳар йили денгизга оқизиб келадиган қаттиқ жисмларни юк вагонларига ортилса, ер куррасини экватор бўйлаб бир неча марта айланиб чиқса бўладиган узунликдаги поездлар ҳосил бўлади.

Сирдарё Фарғона водийсидан чиқаётганда унинг ҳар куб метр суви таркибида икки килограмму 17 грамм лойқа бўлади. Умуман дарёдан Орол денгизига ҳар йили ўрта ҳисобда 38 минг тонна лойқа келиб турган.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Норин дарёси сувининг ҳар куб метрида ўртача бир килограмму 100 грамм лойқа бўлади. Ана шу ирмоқ ҳар йили Сирдарёга ўртача 13 миллион тонна лойқа оқизиб келади. Қорадарё сувининг ҳар куб метрида эса бир килограмму 64 грамм лойқа, ҳар йили ўртача олти миллион тонна ҳар хил оқизоқлар олиб келади.

Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёларидан бўлган Сирдарё ўз сувини 223000 квадрат километр майдондан йиғади. Бу майдоннинг 107 минг квадрат километри Қирғизистон ҳудудида, 65 минг квадрат километри Қозоғистон ҳудудида, 36 минг квадрат километри Ўзбекистон ҳудудида ва 12 минг квадрат километри Тожикистон ҳудудидадир.

ТОВУШ ТЎЛҚИНИ НИМА?

Акустика (юнонча - эшитаман) товушнинг ҳосил бўлиши, муҳитда тарқалиши ҳамда уни ўлчаш усулларини ўрганади.

Товуш тўлқини кўпинча эластик жисмларнинг тебраниши туфайли содир бўлади. Товуш тўлқининнинг кучи шу товуш манбаи - тебрангичнинг бир сонияда тебраниш сони билан белгиланади. Ҳозирги вақтда тебраниш сони ўн миллиард герц товуш тўлқинлари ҳосил қилиши мумкин.

Жисмнинг бир сонияда бир марта тебраниши бир герц дейилади. Юқори тебраниш сонини ўлчаш учун бундан минг ва миллион марта ортиқ миқдорни билдирадиган қисқа бирликлар, чунончи килогерц, мегогерц қўлланилади.

Частотаси 20 герцдан кичик ва 20 минг герцдан юқори бўлган тўлқинлар ҳосил қилган товушни кулоғимиз эшитмайди.

Тўлқин частотаси қанча катта бўлса, товуш шунчалик баланд чиқади.

Ҳар тўғрида

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Инглиз ёзувчиси Вальтер Скотт Лондон кўчаларини газ билан ёритиш қурилмасининг лойиҳаси ҳақида шундай ёзган эди: «Бир тентак Лондон кўчаларини тутун билан ёритишни таклиф этмоқда».

***

1878 йили инглиз олими, профессор Уилсон ўша вақтда Парижда намойиш қилинган жаҳон кўргазмасининг мўъжизаларидан бири ҳақида шундай деганди: «Электр чироғи масаласига ва унга қарши кўп гаплар айтилди. Лекин, ўйлашимча, Париж кўргазмаси ёпилиши билан у чироқ ҳам, унинг номи ҳам ўчади десам, менга ҳеч ким эътироз билдирмас.»

ОЛАМШУМУЛ ШУҲРАТ

Машҳур инглиз табиатшуноси Чарлз Дарвин болалик чоғида мактаб дарсларига ҳафсаласизлик билан қараган. Аксинча, табиатга, саёҳатга ва саргузаштларга иштиёқи зўр бўлган экан.

Бир куни отаси уни койиб қолибди:

—Менга қара, ўғлим! Сен ов билан ит ва каламушлардан бошқа нарсани билмайдиган бўлсанг, ўзингни ҳам шарманда қиласан, оиламизга ҳам иснод келтирасан, ахир!

Маълумки, Чарлзнинг ҳайвонларга ишқибозлиги Дарвинлар оиласига иснод эмас, балки оламшумул шуҳрат келтирди.

***

Кунларнинг бирида Менделеев ўзининг ишхонасига немис олими Винклернинг расмини осиб қўяди. Винклерни танимайдиган дўстлари ундан немис олими қандай хизматлари учун унинг ҳурматига сазовор бўлганини сўраганларида, Менделеев:-«Винклер мени қайтадан дунёга келтирди» деб жавоб берган.

Маълум бўлишича, Винклер Менделеевнинг табиатда экасилиций номли ноёб металлар бор, деган башоратидан 16 йил кейин тажриба йўли билан бу ноёб металлнинг кумушсимон аргиробит рудасида мавжудлигини аниқлаган экан.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ТАРКИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбек футболининг довруғи «Осиё ўйинлари»даёқ дунёга достон бўлган эди. Бутун Осиё, Европа мамлакатлари шарқдан янги чарм усталарининг яна бўй кўрсатаётганини ҳам хурсанд, ҳам ажабланиб кутиб олишганди. Ҳозир ҳам ўзбек ихлосмандларининг кўнглида бир армон: 1979 йил 11 августнинг машъум воқеаси бўлмаганда эди. Эҳтимолки, ҳозир Жаҳон чемпионати баҳсларида футболчиларимиз жаҳоннинг манаман деган жамоалари билан тўп суришармиди?..

Майли, нима ҳам деймиз, ўзбек футболининг пешона ёзиғи шу экан. Бугун уларнинг қадамларини давом эттирувчиларимиз бор, шунисига ҳам шукр. Эришаётган муваффақиятларимиз ҳеч кимникидан кам эмас.

Яқинда ЎРФФ Ўзбекистон терма жамоасининг таркибидан ўрин олган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

Терма жамоамиз қуйидаги таркибда майдонга тушади:

Дарвозабонлар: П.Бугало («Пахтакор»), И.Михайлов, Е.Сафонов («Самарқанд»).

Ҳимоячилар: А.Хвостунов, Б.Ашурматов, Р.Шоймардонов («Пахтакор»), Д.Файзиев («Сўғдиёна»), В.Почуев («Насаф»), С.Шарипов, Ш.Шарипов («Самарқанд»).

Ярим ҳимоячилар: И.Шарипов («Самарқанд»), Н.Ширшов, М.Қосимов («Пахтакор»), Ш.Раҳмонқулов, Л.Кошелов («Навбаҳор»).

Ҳужумчилар: Ж.Ирисметов, Г.Бозоров («Самарқанд»), В.Баранов («Хоразм»).

Бош мураббий Маҳмуд Раҳимов, катта мураббий Виктор Борисов.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0648. 123456